

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

913 - сон

2021 йил «20» декабр

«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ
АЪЗОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ (янги тахрирда)

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Банк акциядорларининг

навбатдан ташқари

умумий йиғилишининг

2021 йил «11» декабрдаги

АС-4/7 сонли қарорига асосан

умумий йиғилиш Раиси



Тошкент – 2021 йил.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Туронбанк» Акциядорлик-тижорат банкининг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек «Туронбанк» АТБ Уставига, Корпоратив бошқарув кодексига, «Туронбанк» АТБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ, «Туронбанк» АТБ Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пули тўловлари ва улар томонидан ўз функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш тартиби ва миқдорларини белгилайди.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади ва Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пуллари ва компенсациялар ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш учун асос ҳисобланади.

3. Мукофот пуллари тўлови ва (ёки) харажатларнинг компенсация қилиниши Банк томонидан Кузатув кенгаши аъзосининг шахсий банк ҳисобварағига (пластик картасига) пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

4. Мукофот пуллари ва компенсациялар суммаси (уларнинг прогноз миқдори мазкур Низомга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади) Банкнинг йиллик бюджетида акс эттирилади.

5. Мазкур Низомда келтирилган мукофот пуллари суммаларида жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари ҳисобга олинади.

6. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган кундан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача (корпоратив йил) ҳисобланадиган давр мукофот пуллари тўлови ва харажатларнинг компенсация қилиниши бўйича ҳисоб-китоб даври ҳисобланади.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан олдин бекор қилинган ёки Кузатув кенгашининг янги аъзолари сайланган ҳолатда, мукофот пуллари суммасининг ҳисоб-китоби Кузатув кенгаши таркибидаги муайян шахснинг ҳақиқий аъзолик вақти ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пуллари ва компенсацияларни ҳисоб-китоб қилиш учун ахборотнинг ўз вақтида тақдим қилиниши учун жавобгарлик Банк корпоратив маслаҳатчи хизматига юклатилади.

Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пуллари ва компенсацияларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш учун жавобгарлик Банк Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосарига ва Банк Молия блокига юклатилади.

7. Кузатув кенгаши аъзоси ёзма ариза асосида унга мазкур Низомга мувофиқ тегишли мукофот пулидан тўлиқ ёки қисман воз кечиши ёки Кузатув кенгаши аъзосининг ёзма аризаси асосида мукофот пули хайрия мақсадларига йўналтирилиши мумкин.

8. Кузатув кенгаши аъзолари мазкур Низомда қайд этилган ҳолатлардан ташқари ўз ваколатларини амалга оширганлиги учун бошқа мукофот пуллари ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олишга ҳақли эмас.

II. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш турлари

9. Кузатув кенгашининг мустақил (чет эллик) аъзоларига Кузатув кенгаши аъзосининг вазифаларини бажарганликлари учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланган максимал ҳақ суммаси доирасида улар билан тузилган шартномаларда белгиланган тартибда ва миқдорда мукофот пули тўланади.

Бунда Кузатув кенгашининг мустақил (чет эллик) аъзоларига ўз вазифаларини бажарганликлари учун тўланадиган ҳақнинг чегаравий миқдори қуйидагича белгиланади:

а) банк активларининг қиймати 50 трлн.сўмдан ортиқ бўлса, Кузатув кенгашларидаги мустақил (чет эллик) аъзоларнинг ҳар бирига йиллик 60 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда;

б) банк активларининг қиймати 20 трлн.сўмдан 50 трлн.сўмгача бўлса, Кузатув кенгашларидаги мустақил (чет эллик) аъзоларнинг ҳар бирига йиллик 50 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда;

в) банк активларининг қиймати 20 трлн.сўмгача бўлса, Кузатув кенгашларидаги мустақил (чет эллик) аъзоларнинг ҳар бирига йиллик 40 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда;

Бундан ташқари, мустақил (чет эллик) аъзо кузатув кенгашларида Раис этиб сайланганлиги учун умумий рағбатлантириш миқдоридан 20%гача, раис ўринбосари этиб сайланганлиги учун 10%гача ва кузатув кенгаши қошидаги қўмиталарда аъзолиги учун 10%гача қўшимча тўловлар амалга оширилади.

10. Ҳисоб-китоб (корпоратив) йил якунлари асосида ёки шартномада белгиланган муддатларга асосан, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига ишланган вақтга мутаносиб равишда Кузатув кенгашида ёки унинг ҳузурида ташкил этилган қўмиталарда раислик учун, шунингдек, агар, бу ўз вазифаларини бажариш бўйича улар билан тузилган шартномаларда назарда тутилган бўлса, Кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмиталар таркибидаги иштирокчлари учун мукофот пули тўланиши мумкин.

11. Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига ўз вазифаларини бажарганликлари ва Кузатув кенгаши ишида иштирокчлари учун мукофот пули ҳисоб-китоб даврида йилига бир нафар аъзо учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 300 бараваридан кўп бўлмаган суммани ташкил этади (йиллик мукофот пулларининг максимал суммаси) ва қуйидаги тартибда тўланади:

- а) асосий (базавий) мукофот пули;
- б) қўшимча (ўзгарувчан) мукофот пули;
- в) ҳисоб-китоб (корпоратив) йил учун иш якунлари бўйича мукофот пули.

12. Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосининг асосий мукофот пули бир ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6,25 бараварини ташкил этади ва Банк томонидан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги календарь ойининг 10-кунидан кечиктирилмай тўланади.

13. Кузатув кенгаши аъзоларига (чет эллик мустақил аъзолар бундан мустасно) қўшимча мукофот пули йилнинг ҳар чораги асосида қуйидаги тартибда ҳисоблаб ёзилади ва Банк томонидан ҳисобот йил чорагидан кейинги календарь ойининг 15-санасидан кечиктирилмай тўланади:

а) Кузатув кенгаши ва қўмиталар йиғилишларида ҳақиқий (қатнаб) иштирок қилишларига бевосита боғлиқ ҳолда йиллик мукофот пулларининг максимал суммасидан 25% миқдорида. Бунда:

- узрли сабабларсиз Кузатув кенгаши ва қўмиталар йиғилишларининг 2/1 қисмидан камроғида иштирок қилган Кузатув кенгаши аъзосига ҳисобот даври учун иш якунлари бўйича мукофот пули тўланмайди;

- Кузатув кенгаши ва қўмиталар йиғилишларининг 3/2 қисмидан камроғида иштирок қилган Кузатув кенгаши аъзосига мукофот пули миқдори йиллик мукофот пулларининг максимал суммасидан 10% ни ташкил этади;

б) акциядорлар томонидан (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ташаббусига асосан) белгиланган йил чораги бўйича олинган КРІ кўрсаткичлари натижалари асосида Кузатув кенгаши аъзосига йиллик

мукофот пулларининг максимал суммасидан 25% гача миқдорда мукофот пули тўланади. Бунда, олинган КРІ баҳолаш натижаларига қараб, мукофот пули қуйидагиларни ташкил этади (йиллик мукофот пулларининг максимал суммасидан фоизларда):

- «Аъло» (91-100%), «Яхши» (80-90%) ва «Шартли равишда қониқарли» (65-79%) баҳоланишда – КРІ жами ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ҳисобга олиниб тузатиш киритилган ҳолда, йиллик мукофот пулларининг максимал суммасидан 25% миқдорида тўланади;

- «Қониқарсиз» (51-64%) ва «Мақбул эмас» (51% дан паст) баҳоланишда эса – мукофот пули тўланмайди.

13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан Кузатув кенгаши аъзоларига (чет эллик мустақил аъзолар бундан мустасно) йиллик мукофот пули тўланиши мумкин.

Ҳисоб-китоб (корпоратив йил) учун иш якунлари бўйича мукофот пули тўлови банк томонидан Банк корпоратив бошқаруви тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилиши мумкин ва мукофот пули миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан белгиланади.

Кузатув кенгаши аъзосининг мукофот пули миқдори йиллик мукофот пулларининг максимал суммасидан 25% гача миқдорини ташкил этади ва Банк корпоратив бошқаруви тизимини мустақил баҳолаш якунларига бевосита боғлиқликда мукофот пули миқдorigа тузатиш киритилган ҳолда, фақат «юқори» (600-1200 балл ёки 50-100%) баҳоланган ҳолатда Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан бир ой мобайнида тўланади.

14. Мукофот пули Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда ҳисоблаб ёзилади ва тўланади, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига эса – Банк Корпоратив маслаҳатчи томонидан Банк Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосарига тақдим қилинадиган хизмат хати асосида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида очилган шахсий банк ҳисобварақларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов амалга ошириладиган санадаги курси бўйича валютага конвертация қилиш орқали ўтказилади.

15. Мукофот пули ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назорат қилиш Банк Корпоратив маслаҳатчи хизматига юклатилади.

III. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига харажатларни компенсация қилиш

16. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига улар томонидан Кузатув кенгашига аъзолик (акциядорларнинг умумий йиғилишларида, Кузатув кенгаши йиғилишларида, Кузатув кенгаши қўмиталари йиғилишларидаги иштироклари) билан боғлиқ ўз функцияларини бажариш учун сарфланган харажатлар компенсация қилинади.

17. Банк томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланган доирада харажатлар компенсация қилинади:

а) белгиланган иш жойигача ва доимий иш жойидан қайтиш учун йўл ҳақиға (шу жумладан, транспортда йўловчиларни мажбурий шахсий суғурталаш учун суғурта полиси, йўл ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизматлар тўлови ва ҳ.к.) – қўйдаги асл йўл ҳужжатлари билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар миқдоридан:

- ҳаво транспорти орқали – тежамли-класс тарифи бўйича, Кузатув кенгаши аъзолари – норезидентлар учун уч соатдан кўпроқ учиш шароитида бизнес-класс тарифи бўйича;

- темир йўл транспорти орқали – бизнес-класс вағонида;

- автомобиль транспорти орқали – йиғилиш ўтказиладиган аҳоли яшайдиган пунктдаги трансфер ёки бундай аҳоли яшайдиган пунктга энг яқин аэропорт (темир йўл вокзали), йиғилиш ўтказиладиган жойгача меҳмонхона ва қайтиш йўл харажатлари;

б) тадбир ўтказиладиган даврда, шу жумладан Кузатув кенгаши аъзосининг келиш/кетиш куни 5 юлдузли меҳмонхонанинг «стандарт» классидан юқори бўлмаган турар-жойни ижараға олиш бўйича – тегишли асл ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар миқдоридан.

Чет элдан келадиган Кузатув кенгаши аъзосининг илтимосига асосан Банк меҳмонхонада турар-жойни олдиндан банд қилиб қўйишға ва банк маблағлари ҳисобидан ижара ҳақини тўлашға ҳақли.

18. Кузатув кенгаши аъзоси сарфланган харажатлар компенсациясини олиш учун Банк корпоратив маслаҳатчи хизматиға бундай харажатларни тасдиқловчи асл ҳужжатлар (асл билет/электрон билет, чиқиш талони, меҳмонхонада яшаш учун ҳисобварақ ва ҳ.к.) илова қилинган ариза юборади.

19. Банк корпоратив маслаҳатчи хизмати мазкур Низомнинг 18-бандида қайд этилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирилмай Банк Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосарига

Кузатув кенгаши аъзоси томонидан йиғилиш ўтказилиши тўғрисида сарфланган харажатларни компенсация қилиш тўғрисида хизмат хатини олинган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда юборади.

20. Банк томонидан компенсациялар тўлови Банк корпоратив маслаҳатчи хизматидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан эътиборан 10 иш кунидан кечиктирилмай амалга оширилади.

21. Кузатув кенгаши аъзосининг компенсация қилинадиган харажатлари чет эл валютасида сарфланган ҳолатда, улар компенсация амалга оширилган санадаги Марказий банк курси бўйича АҚШ долларларида компенсация қилинади.

22. Қўшимча мукофот пули ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назорат қилиш Банк корпоратив маслаҳатчи хизматида юклатилади.

IV. Ахборотни ошкор қилиш

23. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига асосан Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот пуллари тўғрисида ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

24. Банк томонидан ошкор қилинадиган ахборот таркиби ва уни ошкор қилиш усуллари қонун ҳужжатларига асосан Банк томонидан белгиланади.

V. Яқуний қоидалар

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

26. Мазкур Низомда назарда тутилмаган қоидалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан бошқарилади.

Мазкур Низомнинг айрим нормалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави талабларига зид келган ҳолатда, улар ўз кучини йўқотади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Уставининг тегишли нормалари қўлланилади. Мазкур Низом айрим нормаларининг ҳақиқий эмаслиги Низомнинг бошқа нормалари ва умуман Низомнинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келмайди.

27. Кузатув кенгаши аъзолари ва Банк мазкур Низомнинг ижроси билан боғлиқ юзага келадиган низолар ёки эътирозларни музокаралар орқали қисқа муддатларда ҳал қилиш мақсадида имкон даражада барча чораларни кўриш мажбуриятини оладилар. Кузатув кенгаши аъзоси ва Банк ўртасида ўзаро келишув асосида ҳал қилинмаган мазкур Низомга тегишли ҳар қандай низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муассасага қарашлилиқ ва судда кўрилишга тегишлилик қоидаларига

28. Мазкур Низом Кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

29. Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан киритилиши мумкин.

30. Мазкур Низом рўйхатга олинган вақтдан бошлаб низомнинг барча аввалги ва аввал рўйхатдан ўтказилган таҳрирлари, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.

асосан Ўзбекистон Республикаси судига кўриб чиқиш учун берилиши мумкин.

28. Мазкур Низом Кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

29. Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан киритилиши мумкин.

30. Мазкур Низом рўйхатга олинган вақтдан бошлаб низомнинг барча аввалги ва аввал рўйхатдан ўтказилган таҳрирлари, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.